



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлар бўйича проректор

Ш.А.Боймурадов

КЛИНИК КАФЕДРАЛАРДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ УЧУН БАХОЛАШ МЕЗОНИ (вақтинчалик)

Фан бўйича баҳолаш мезони MOODLE нинг эълонлар (объявления) қисмига pdf вариантыда жойлаштирилади.

Талабаларга фан бўйича ЖН қандай мезонлар асосида қўйилиши, ОН ва ЯН қайси шаклда ўтказилиши маълум қилинади.

Талаба кафедра томонидан жойлаштирилган материалларни тўлиқ ўрганиб чиқиши ва ўзлаштириши учун уни хар куни назорат қилиши лозим.

Жорий назорат 100 баллик тизимда баҳоланганда қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

1. Талаба аудио ёки видео маърузани эшитиши, маъруза охирида берилган камида 4 та саволга қисқа ёзма жавоб ёзиб, амалиёт ўқитувчисига юбориши (moodle да) – 30% (0,3 коэф)
2. Вазиятли масалаларни ишлаганлиги – 50% (0,5 коэф)
3. Тестларни жавоби (тестлар махсус дастур асосида жойлаштирилади ва жавоб 100 балликда белгиланади) – олинган баҳоси 20% ни ташкил қилади (0,2 коэф)

Мисол: талаба маърузадаги саволларга жавоб берди ва 80 балл олди, вазиятли масалани тўлиқ ишлади ва 76 балл олди, тестдан 90 балл.

Демак,

$$80 \text{ балл} \times 0,3 = 24$$

$$76 \text{ балл} \times 0,5 = 38$$

$$90 \text{ балл} \times 0,2 = 18$$

$$\text{Жами ЖН учун } 24+38+18 = \mathbf{80 \text{ балл}}$$

Агар маъруза режалаштирилмаган бўлса, талабага мавзу бўйича камида 4 та назорат саволи юборилади ва жавоби 30% (0,3 коэф) ташкил этади.

Агар талаба фақат тестни ечса, 100 балл олган тақдирда ҳам ЖН дан 20 баллга эга бўлади.

Масофавий ўқитиш вақтида ОН ва ЯН ўтказиш шакллари кафедра ўз имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди.

Масалан, тест ва вазиятли масалани ечиш. Бунда тест жавоби 30% (0,3 коэф), вазиятли масала эса 70% (0,7 коэф) ни ташкил қилиши мумкин.

Вазиятли масала учун 3 та савол берилади. Уларнинг ҳар бири алоҳида мезон билан баҳоланади. Масалан:

1. Тахминий ташҳис – 20 балл максимал (0-10-20)
2. Дифференциал ташҳис – 30 балл максимал (0 -15-30)
3. Даволаш - 50 балл максимал (0-25-50)

Ҳар бир саволда берилган жавобга қараб баҳони диапазони бўлиши керак. Масалан 1 чи саволага тўлиқ жавоб берса 20 балл, жавоб тўлиқ бўлмаса 10 балл ва жавоб нотўғри бўлса 0 балл

ЯН тест шаклида ўтказилади, бунда 1 та тўғри жавобли тестлар махсус программада жойлаштирилади. Тестларнинг сони: базада камида 200 та, ҳар бир талабага 20 тадан тест варианты берилади.

Ўқув услубий бўлим бошлиғи



Ш.Ш.Массавиров